



**Рости,  
бу ўзгаришлар  
тасаввурга сиғмаганди**  
2-с.

**Рўзғор бут, дастурхон  
тўкинлиги ташаббусдан**

Аввал, бандликни таъминлаш учун таклифни биз берардик. Энди ташаббус фуқароларнинг ўзидан чиқяпти.

3-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

**2025 йил  
30 АПРЕЛЬ,  
ЧОРШАНБА**

# Маҳалла

**№35  
(2259)**

WWW.UZMAHALLA.UZ

## УЮШМА ВА UNICEF ҲАМКОРЛИК МЕМОРАНДУМИ ИМЗОЛАДИ

УЮШМА КУНДАЛИГИ

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси Қахрамон Қуронбоев БМТ Болалар жамғармаси (UNICEF)нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Реҳина Касстижио хоним билан учрашув ўтказди.



Мулоқот аввалида БМТнинг мамлакатимизда фаолият олиб бораётган тузилмалари билан самарали ҳамкорлик йўлга қўйилгани, биргаликда кўплаб лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилаётгани таъкидланди. Хусусан, UNICEF ва бошқа қатор ҳамкорлар билан Шахрисабзнинг "Зингирон" маҳалласида йўлга қўйилган "Ёшлар маркази" ҳамкорлигининг натижаси экани қайд этилди.

Маълумот учун, "Ёшлар маркази"да 14-30 ёшли йигит-қизлар рақамли технологиялар, тадбиркорлик, хорижий тиллар, психология, жамоавий фаоллик, касбий кўникмаларга ўргатилади. "Ёшлар билан бирга" тамойили асосида замонавий менежмент асослари бўйича таълим берилади. Ташаббус келгусида бошқа маҳаллаларда ҳам шундай марказларни ташкил қилиш учун намуна бўлади.

Ўз навбатида Реҳина Касстижио хоним кўрсатилган эҳтиром учун миннатдорлик билдирди. Бугунги кунда Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларни алоҳида эътироф этиб, "маҳалла еттилиги" фаолиятини юқори баҳолади. Учрашув сўнгида Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ва UNICEF ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

## БУГУНГИ СОНДА:

**Ёшлар билан ишлаш бу — маълумот, куч, ғайрат ва ирода!**

Ёшлар етакчилиги жорий этилганига қадар фақат мактаб ёшидаги йигит-қизлар билан ишланарди. 30 ёшгача бўлган ёшлар назардан четда қолаверган.

4-с.

**Тадбиркорлик, энг аввало, билимдан бошланади**

Аҳолининг томорқа ер майдонларида кўплаб қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириляпти. Агар уларни қайта ишлаш корхоналари ташкил этилса, янги иш ўринлари яратилиб, солиқ тушуми кўпаяди. Бироқ ҳақиқий ишбилармон инвестор йўқ.

5-с.

**Ожизага қўл кўтармоқ — ожизликдир**

Ҳар бир ёш янги ҳаётга қадам қўяр экан, аввало, турмуши ширин ва бахтли бўлишини истайди. Бироқ қуруқ истакнинг ўзи етарли эмас. Чунки оила деб аталмиш бўстонда ҳаёт бир текис кетмайди. Эр ва хотиндан сабр-қаноатли бўлишни талаб этади.

6-с.

**Инсонлар кўнглига йўл топиш осон эмас...**

Инсонлар кўнглига йўл топиш осон эмас. Бунинг учун, аввало, самимият талаб этилади. Қанча уларни ўзимизга яқин олсак, ташвишини юракдан хис қилсак, ҳаммаси жуда оддий. Тугунларнинг секин-аста ечилиб бораётганини кўриб, меҳнатингиздан завқланасиз.

7-с.



ТАШАББУС

## МАҲАЛЛА РАИСЛАРИ МЕДИАТОРГА АЙЛАНАДИ

**2025 йил 1 майдан бошлаб, оилавий медиация ишлари бўйича фуқаролар йиғини раислари профессионал медиаторликка бепул ўқитилади.**

Бу ҳақдаги меъёр Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузурдаги Юридик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридан белгиланган. Хужжатга кўра, 2025 йил давомида

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси билан келишилган ҳолда, ҳар бир туманда (шаҳарда) **5 нафардан фуқаролар йиғини раислари** ўқитилади. Келгусида барча маҳалла раислари профессионал медиаторликка босқичма-босқич ўқитиб борилади.

Профессионал медиаторликка ўқитилган фуқаролар йиғини раислари отанинг (онанинг) воёга етмаган фар-

зандлари учун **ота-оналик ҳуқуқларини таъминлаш билан боғлиқ низолар** бўйича медиаторлик фаолиятини бепул амалга оширади.

Маъмур тартибнинг йўлга қўйилиши натижасида маҳаллалардаги оилавий низолар судгача етиб бормасдан ҳал этилишига имконият яратилади. Маҳалла раисларининг ҳуқуқий билими оширилиб, оилалар билан янада яқинроқ ишланади.

**ВАҚТ ЕТГАН  
ПОЁНИГА —  
ИСРОФ МУТЛАҚО  
ШАРТМАС!!!**

4-с.




**ФУҚАРОЛАР ЙИГИНИ РАИСИ САЙЛОВИДА  
ФАОЛ ИШТИРОК ЭТИНГ!**

Усмон АЗИМ, Ўзбекистон халқ шоири:

— Мен Шайхонтоҳур туманидаги "Лабзак" маҳалласида истиқомат қиламан. Маҳалла — азалдан қўшнчилик, оқибат, меҳр-мурувват тушунчаларини сақлаб келаётган маскандир. Сўнги йилларда Президентимиз ташаббуси билан маҳалланинг жамиятдаги ўрни янада мустақамланди — унга кўпроқ имконият, катта масъулият ва бекиёс ишонч берилди.

Бугун одамлар ўз муаммоларини олис идоралар эшикларидан эмас, ўз маҳалласида ҳал этяпти. Маҳалла — халқ ва давлат ўртасидаги кўприкка айланди. Бу кўприк инсонлар қалбини бир-бирига янада маҳкам боғлади, елкадошлик ва ҳамжиҳатлик руҳини берди. Ана шу вазифани сидқидилдан адо этиш учун маҳалла раисининг қалби халқ билан бирга уриши, виждони пок, нияти тоза, қўли очик, сўзи ҳалол бўлиши шарт!

Шу боис ҳар бир фуқаро ўз маҳалласи тақдири учун масъулият ҳисси билан ёндашиб, юрагидан халқ дардига қўлоқ тутадиган, эл юкини елкасида кўтариб юришга қодир инсонни сайлаши шарт! Шунинг учун сайловда фаол иштирок этиш — бу ўз маҳаллангни, ўз тақдирингни, ўз келажакингни сайлаш деганидир!



**КЕЛИН  
ОЛИБ ҚОЧИШ  
ҚАНЧАЛИК  
ЖОИЗ?**

8-с.



Президентимиз IV халқаро бахшичилик санъати фестивали иштирокчиларига ТАБРИК йўллади.



Президент Шавкат Мирзиёев ва Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ мулоқот қилди.



Президент Шавкат Мирзиёев “ИННОПРОМ. Марказий Осиё” V халқаро саноат кўргазмасига ташриф буюрди.

ОБОДЛИК

# РОСТИ, БУ ЎЗГАРИШЛАР ТАСАВВУРГА СИФМАГАНДИ



Рости, бу ўзгаришларни тасаввур қилмаган эдик. Ички йўлларга асфальт ва кум-шағал қоришмаси ётқизилди. Электр таъминоти яхшиланди.



Президентимизнинг “Камбағалликни қисқартириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш борасидаги чора-тадбирларни янги bosqichga олиб чиқиш тўғрисида”ги фармони нафақат инсонларнинг турмуш шароитини яхшилаш, балки йиғинлар ободлигини таъминлашда муҳим дастур бўлмоқда. Шунга мувофиқ, тумандаги 13 та оғир ҳудудлардан бири сифатида танлаб олинган эдик.

Шухрат МУРОДҚОСИМОВ, Зарбдор туманидаги “Нурафшон” маҳалласи раиси.

Т аъқидлаш жоизки, марказдан 25-30 километр олисда жойлашган фуқаролар йиғини аҳолиси учун қулай яшаш шароити яратиш мақсадида давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари томонидан кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Айниқса, маҳалла биноси, тиббиёт муассасаси — поликлиника ва 13-давлат мактабгача таълим ташкилоти капитал таъмирланиб, янги ҳаётга муносиб замин яратилди.

Рости, бу ўзгаришларни тасаввур қилмаган эдик. Ички йўлларга асфальт ва кум-шағал қоришмаси ётқизилди. Электр таъминоти яхшиланди. Биз маҳалла аҳли ҳам кўл қовштириб турмасдан ёрдам беряёмиз. Уйларимизни, кўчамизни ҳашар уюштириб обод қилаёмиз.

Қабул қилинган дастур доирасида ишсизлик ва камбағаллик қисқартирилиб, томорқа ерларнинг суғориш тизими яхшиланди. Барқарор электр энергияси ва оптик толали интернет тармоғи билан таъминлаш чоралари кўрилди. Хуллас, одамларнинг томорқасидан оқилона фойдаланиб,

тўкин турмуш кечириши учун барча шароит яратилди. Жумладан, “Обод хонадон”, “Обод кўча”, “Обод маҳалла” мезонлари асосида 15 та кўчага 8 километр узунликда шағал ётқизилди. 500 метр пиедалар йўлаги қурилди. “Хонадон маданияти” тарғиб қилинди.

Маҳалламиздаги электр тармоқларини яхшилаш мақсадида 84 дона темир-бетон устун алмаштирилди, 168 таси бўяб чиқилди, 3 дона трансформатор пункти, 4,8 километр ҳаво тармоқлари мукамал таъмирланди, 3,1 километр ҳаво тармоғи ва СИП кабеллар, 1 дона янги трансформатор ҳамда 60 дона тунги ёритиш чироғи ўрнатилди. Маҳалладаги 8 километр ички йўлларга шағал ётқизилди. Ичимлик сув таъминоти бўйича 2 дона узатиш насоси ал-

маштирилди, 1 дона янги сув насоси, 2 дона сув тақсимлагич ўрнатилди ҳамда яроқсиз аҳволга келиб қолган ичимлик сув тармоқлари янгисига алмаштирилди. 8 километр сув тармоғи тортилиб, 200 та хонадон тоза ичимлик сув билан таъминланди.

Шунингдек, маҳаллада 1 та болалар майдончаси, 3 та тандирхона, 1,2 минг метр квадрат пиедалар йўлаги янгидан қурилди, кўп қаватли уйлар тўлиқ реконструкция қилинди. “Яшил макон” умумий лойиҳаси доирасида маҳалла аҳли томорқаларига 5 минг туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экди. Иккита газ тақсимлаш пункти, 7 километр газ тармоғи янгиланди.

Аҳоли саломатлигини тиклаш ва таъминлаш мақсадида 3 464 нафар фуқаро тиббий кўриқдан ўтказилди. Жараёнда 236 нафар фуқарода касаллик аниқланиб, даволаниш тавсия этилди. 228 нафарига бепул дори-дармон берилди.

Маълумки, ҳудуд ривож биринчи навбатда бандлик даражасига боғлиқ. Шу боис маҳаллада ишсизлик ва камбағаллик, жиноятчиликнинг олдини олиш учун аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган чоралар кўрилди. Жумладан, талабгорларга 630 миллион сўм кредит ажратилди. Тадбиркорлик субъектлари иштирокида 55 та доимий иш ўрни яратилди.

Хонадон маданиятини юксалтириш, обод ҳамда кўркем қилиш, қурилиш меъёрлари ва санитария-гигиена қоидаларига риоя этиш бўйича 58 та тадбир ўтказилиб, 2 минг нафардан ортиқ фуқаро қамраб олинди.

Мухтасар қилиб айтганда, амалга оширилаётган ободонлаштириш ишларида барча фаол иштирок этиб, маҳалла тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоқда.



БУНЁДКОРЛИК

# МУАММОЛАР ЕЧИМИДА БИРЛАШИШНИ ЎРГАНДИК

Ҳудуд ободлиги, ўзгаришларда барча фуқаролар фаол иштирок этмоқда. Айниқса, бу борада “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси ташкил этилгани айни мuddао бўлди.

лиард 185 миллион сўмлик маблағ эвазига 5 километр 400 метр йўл реконструкция қилинди. Шунингдек, маҳалла ҳудудида жойлашган умумтаълим мактаблари таъмирланиб, таълим соҳаси бўйича ижобий ўзгариш амалга оширилди.

Йўллар ва ижтимоий инфратузилманинг яхшиланиши йиғинни нафақат қулай, балки янада замонавий ва ривожланган ҳудудга айлантормоқда. 2 миллиард 500 миллион сўм маблағ эва-



Тўлқинжон ЖўРАЕВ, Поп туманидаги “Обихаёт” маҳалласи раиси.

О дамлар муаммоларни ҳал этиш йўлида бирлашишни ўрганди. Жумладан, маҳалламиз 2024 йилда ички йўлларни асфальтлаш юзасидан иккита таклиф киритган эди. Аҳоли фаоллиги натижасида ғолиб чиқдик. Бу орқали 6 километр ички йўл асфальтланди. Қолаверса, 2022 йилда давлат бюджетидан 2 миллиард сўм маблағ ажратилиб, барча хонадонларга ичимлик сув тармоғи тортилди.

Эътиборлиси, бу каби хайрли ишлар давом этмоқда. Жорий йил Жаҳон банки лойиҳалари доирасида маҳалламизда кенг қўламли инфратузилмавий ишлар бошланди. Ҳозирда ички йўллар тўлиқ таъмирланиб, аҳоли учун янада қулай ва хавфсиз муҳит яратиш мақсад қилинган. Лойиҳа доирасида “Наманган темир-бетон буюмлари заводи” масъулияти чекланган жамияти томонидан 2 мил-

зиға 5,5 километр ички кўчаларга асфальт ётқизилмоқда. Қувонарлиси, бирорта кўча эътибордан четда қолмапти.

Ислохотлар фақат йўл билан чекланиб қолмади.

270 дона янги бетон устун ўрнатилмоқда, 11,5 километр замонавий СИП кабеллар тортилиб, электр таъминоти яхшиланипти. Шунингдек, 1 миллиард сўм маблағ эвазига замонавий усти ёпиқ футбол майдони қурилмоқда.

Бундан ташқари, ҳудудда ишсизлик ва камбағалликни қисқартиришга катта эътибор берилляпти. 2024 йил бошидаги ҳатловда 2 557 нафар аҳоли рўйхатга олинган бўлса, 8 фоизи камбағал оилалар таркибига киритилган эди. Уларга биринчи навбатдаги кўмак кўрсатилди. Имтиёзли кредит ва субсидия ажратилиб, бандлиги таъминланди. Ўсиш нуқтаси — деҳқончилик орқали ўзини ўзи банд қилишга эришдик. Натижада бугун камбағаллик даражаси 3 фоизга тушди.

Мухими, янгиланишлар ортидан аҳолининг турмуши фаровонлашиб, ҳаёт сифати яхшиланмоқда.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Собиржон ҚўЧҚОРОВ, Тошлоқ тумани:

— Фуқаролар йиғинлари раислари сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар комиссияларининг ваколатлари нималардан иборат?

## КОМИССИЯ ВАКОЛАТЛАРИ НИМАЛАРДАН ИБОРАТ?

Баҳром ҚўШБАКОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси масъул ходими:

— “Фуқаролар йиғини раиси сайлови тўғрисида”-ги қонунга кўра, сайловни ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар комиссияларининг ваколатлари жумласига куйидагилар қиради:

- ☑ фуқаролар йиғинлари раислари сайловини ташкил этиш ва ўтказиш;
- ☑ фуқаролар йиғинлари раислари сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи туманлар ва шаҳарлар комиссиялари фаолиятини мувофиқлаштириш;
- ☑ фуқаролар йиғинлари раислари сайловига доир ҳужжатларнинг намуналарини, шунингдек сайлов бюллетенларининг намуналарини ва шаклларини тасдиқлаш;
- ☑ фуқаролар йиғинлари раислари сайловини



ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи туманлар ва шаҳарлар комиссияларининг сайловни самарали ўтказиш учун зарур бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар билан таъминланишини ташкил этиш;

☑ сайловни ўтказиш масалалари юзасидан аҳоли ўртасида тушунтуриш ишларини ташкил этиш;

☑ сайловни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнининг оммавий ахборот воситаларида ёритилишини ташкил этиш;

☑ сайловни ташкил этиш ва ўтказиш масалалари бўйича фуқароларнинг муносабатларини кўриб чиқиш;

☑ сайлов якунлари тўғрисида тегишли комиссиялар томонидан тақдим этилган ахборотни умумлаштириш ва кўриб чиқиш, бу ахборотни кенг жамоатчилик эътиборига етказиш.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

# МУҲИМ ЖАРАЁНГА ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК ЗАРУР!

Жорий йил май-июль ойларида республикамизда фуқаролар йиғинлари раислари сайлови ўтказилади. Сўх туманида ушбу жараёнга аҳоли ташкил этишга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Мафтуна МАМАСИДДИҚОВА.

О чиқ мулоқот тарзидаги йиғилишда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, унинг вилоят бошқармаси вакиллари ҳамда масъуллар иштирок этди.

— Бўлажак сайловларга пухта тайёргарлик кўриш, энг асосийси, маҳалла дарди билан яшайдиган, халқ муаммоларини ўзиники деб ҳис қиладиган инсонларни танлаб олиш ва сайлаш зарур, — дейди Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Фарғона вилояти бошқармаси бошлиғи Адҳам Зиёвуддинов.

— Сўх туманида ҳам фуқаролар йиғинлари раислари сайловини ташкил этиш ва ўтказишга



17 нафар аъзодан иборат ушбу комиссия мазкур сиёсий жараёнга тайёргарлик кўриш ва уни уюшқоқлик билан ўтказишга кўмаклашади.



кўмаклашувчи комиссия ташкил этилган бўлиб, унга бевосита туман ҳокими раислик қилади. 17 нафар аъзодан иборат ушбу комиссия мазкур сиёсий жараёнга тайёргарлик кўриш ва уни уюшқоқлик билан ўтказишга кўмаклашади.

Тадбир якунида туман ва маҳаллаларда ташкил этилган комиссиялар аъзоларига тегишли кўрсатма ва вазифалар берилди.



1 майдан ўзини ўзи банд қилган шахслар яқка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказилганда, ДАВЛАТ БОЖИ УНДИРИЛМАЙДИ.



1 майдан хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантиришга қаратилган "ҲАМКОР ТАДБИРКОР" дастури йўлга қўйилади.



1 майдан ўз фаолиятини йириклаштирган айрим тадбиркорларга 150 миллион сўмгача ГАРОВСИЗ КРЕДИТЛАР БЕРИЛАДИ.

МЕНДА САВОЛ БОР...

## БОҒ УЧУН ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ БЕРИЛАДИМИ?

Носиржон МАМАЖОНОВ, Жомбой тумани:

— Мамлакатимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш учун кредит ҳамда субсидия ажратилиш тизими йўлга қўйилган. Ушбу имтиёз боғдорчилик йўналишида ҳам борми? Мен янги боғ барпо этиш учун тижорат банкларидан молиявий қўмак олсам бўладими?



Аброрбек ЭЪЗОЗХОНОВ, "Мадад" ННТ хуқуқшуноси:

— Албатта, мумкин. Эндиликда янги боғ барпо этганларга ҳар бир гектар учун 187 500 000 сўмгача имтиёзли кредит берилади. Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агротехнология ривожлантириш агентлиги фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори билан тасдиқланган низомга кўра, лойиҳаларни амалга оширувчи тадбиркорларга кредит ажратилади. Маблағлар Марказий банкнинг асосий ставкасидан 4 фоизлик пункт юқори ставкада миллий валютада 3 йиллик имтиёзли давр билан 7 йил муддатга тақсимланади.

**Биринчи босқичда** — ер майдонини экишга тайёрлаш учун имтиёзли кредитнинг 10 фоизгача;  
**Иккинчи босқичда** — кўчат сотиб олиш ва экиш харажатларига имтиёзли кредитнинг 40 фоизгача;  
**Учинчи босқичда** — суғориш тизимларини ўрнатилиш харажатларига имтиёзли кредитнинг 30 фоизгача;  
**Тўртинчи босқичда** — боғ ҳосилга киреунга қадар 3 йил парваришлаш харажатларига имтиёзли кредитнинг 20 фоизгача берилади.

Бунда янги боғ ва узумзорларни барпо этиш ҳамда мева ва узум маҳсулотларини замонавий саралаш, қадоқлаш ва қайта ишлашни ташкил этиш бўйича лойиҳанинг техник-иқтисодий асосида қўзда тутилган ер майдонига мутаносиб равишда, аммо 1 гектарга кўпи билан базавий ҳисоблаш миқдорининг 500 бараваридан ошмаган суммада имтиёзли кредит ажратилади.

ТАЖРИБА

## РЎЗҒОР БУТ, ДАСТУРХОН ТЎКИНЛИГИ ТАШАББУСДАН

Маҳаллада 1 820 нафар аҳоли истиқомат қилади. Ҳаракат, ташаббускорлик, янгиликка интилиш ортидан ишсизлик ва камбағалликдан холи ҳудудга айланиб бораётиб. Мисол учун, 2024 йилда 74 нафар ишсиз рўйхатга олинган бўлса, йил якунигача барчасининг бандлиги таъминланди. 46 нафарига кредит ва субсидия берилди, 16 нафари доимий ишга жойлаштирилди. 12 нафари ўзини ўзи банд қилди.

Улуғбек ҲАМИДОВ, Навбахор туманидаги "Армижон" маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.



Ушбу нуктаимиз — анорчилик. Аҳоли азалдан шу йўналишда даромад олишга ихтисослашган. 420 та хонадон бўлиб, 380 тасида 50 тупдан анор парваришланади. Бундан ташқари, кўпчилик уйда иссиқхона ташкил этиб, тадбиркорликни йўлга қўйган. Томорқадан самарали фойдаланиш маданияти яхши ривож-



Оила ҳар йили 5 тонна атрофида ҳосил олади. Даромаддан тўйлар қилиб, уйлар қурапти.



ланган. Алоҳида эътиборли жиҳат — анорчилик сулолавий касбга айланган. Анорчиликка ихтисослашган ҳар бир хонадонда ўртача 2-3 тонна атрофида маҳсулот етиштирилади. Уни маҳаллий бозордан ташқари, Қашқадарё вилояти тадбиркорлари олиб кетади. Маҳаллада истиқомат қилувчи Илҳом Шарипов ва Насиба Эргашева томорқасининг 10 сотихида анор етиштирилади. Бундан 35 йил аввал Насиба опа "Дулдул" маҳалласидан келин бўлиб тушган. Шундан бери турмуш ўртоғи билан биргаликда анор етиштириб келади. Турмуш ўртоғи хайдовчи бўлиб ишлаган, ҳозир пенсияда. Икки нафар фарзандлари бор. Анорчиликнинг орқасидан рўзғор бут, дастурхон тўкин. Оила ҳар йили 5 тонна атрофида ҳосил олади. Даромаддан тўйлар қилиб, уйлар қурапти.

Бундай ишбилармон деҳқонлар кўпчилигини ташкил этади. Улардан бири — 70 ёшли Рустам Ашуров. Айни пайтда отахон 13 сотих майдонда 200 тупдан зиёд анор дарахти парваришланмоқда. Томорқасида 3 йилдан 15 йилгача бўлган анорлар мавжуд. Улар алоҳида парвариш талаб этади. Юқори ҳосилдорликка осонликча эришиб бўлмайди. Қўзда тағини юмшатиш,

маҳаллий ўғит билан ишлов бериш, вақтида суғориш, турли зараркунандаларга қарши дориллаш ҳосилдорлик гарови ҳисобланади. Рустам бобо анор меvasи етиштиришдан ташқари, ниҳоллар парвариш-лашни йўлга қўйган.

Деҳқонлар орасида Шомурод Умаров етакчи тадбиркор ҳисобланади. Хонадондаги 27 сотих томорқада 350 дона анор парваришлайди. Маҳалладошларига кўчат етказиб бериш ҳам унинг зиммасида.

Яна бир эътиборли жиҳати — аҳоли маҳсулотни сотиш ҳақида бош қотирмайди. Чунки тайёр анорлар "Гулнора ая орзулари" хусусий корхонаси орқали харидорга етказиб берилади.

Қувонарлиси, аввалида хонадонларга кириб, бандликни таъминлаш учун таклифни биз берадик. Энди ташаббус фуқароларнинг ўзидан чиқаяпти.

Қорақалпоғистон Республикасининг Чимбой туманида ўз тажрибамизни йўлга қўйиш мақсадида 5,5 гектарлик анорзор ташкил этдик. Бу ерга ташаббускор деҳқонларимиз 5 минг туп анор кўчати ўтқазилди.

Бир сўз билан айтганда, аҳоли меҳнат ортидан рўзғор бутлигини таъминлаб келмоқда.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

## ЯНГИ БИНО ФЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

Мирзачўл туманидаги "Мирзадала" маҳалласининг хизмат биноси замонавий талаблар асосида капитал таъмирланиб, фойдаланишга топширилди.



Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда сўзга чиққанлар йиғилганларни янги бино очилиши билан қутлади. Таъкидланганидек, Президентимиз томонидан жойларда маҳалла институтининг аҳоли ҳаётидаги ўрнини ошириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида кенг қуламли ислохотлар амалга оширилмоқда.



— "Маҳалла еттичилиги" ҳодимлари эски типдаги, таъмир-талаб бинодо фаолият олиб борадик, — дейди маҳалла раиси Исможон Холмирзаев. — Бу иш унумдорлигига салбий таъсир қиларди. Шу боис "Ташаббусли бюджет" лойиҳасига таклиф киритдик. Таклифимиз қолиб қиб, бино таъмири учун 700 миллион сўм маблағ ажратилди. Натияжада фаоллар зали билан 12 та хона замонавий кўринишга келтирилди. Барча қўлайликка эга бўлган бино нафақат маҳалла фуқаролар йиғини ходимлари, балки аҳоли учун катта қўлайлик тақдим этди.

Тадбирда туман ҳокимлиги вакиллари, нуронийлар, "маҳалла еттичилиги" аъзолари ва фаоллар иштирок этди.

ТОМОРҚА МАКТАБИ

## БАҲОРГИ САБЗИ ҚАНДАЙ СУҒОРИЛАДИ?

Бугун қишлоқда яшовчи аксарият хонадон эгаси томорқасидан унумли фойдаланишни йўлга қўйган. Рўзғор учун зарур бўлган картошка, сабзи, пиёз томорқада етиштирилмоқда. Шу боис навбатдаги сониимизда баҳорги сабзини қандай суғориш ҳақида маълумот берамиз.

Рустам НИЗОМОВ, Сабзавот, полиз экинлари картошкачилик илмий-тадқиқот институти директори.

Бу қишлоқ хўжалиги маҳсулоти жанубий вилоятларда 15-28 февраль, марказий вилоятларда 1-15 март, шимолий вилоятларда 15-30 мартда экилади. Уруғ сарфни гектарига 5-6 кг. бўлади. Парваришлаш жараёнидаги энг муҳим вазифа — уруғни бир меъёрга ундириб олиш. Ниҳол тупроқ доим нам бўлганда 5-7 кунда кўринади,

10 кунда униб чиқади. Дархол бегона ўтларни ўташ ва яғаналаш керак. Икки марта ўталади. Дастлабки ўташ битта барг, кейингиси 3-4 барг чиқарганда ўтказилади. Ҳар ўтоқ давомиди яғана қилиб борилади. Бегона



ўтларни йўқотиш учун гербицидлардан фойдаланилади. Сабзи иккинчи марта яғана қилиниб, ўтдан тозалангандан кейин қатор оралари юмшатилади.

Илдизмева сабзавотларнинг тупроқ намига бўлган талаби экин турига қараб ҳар хил. Сабзи ўсимлигининг илдизи яхши ривожланган, тупроққа нисбатан чуқур таралади, барг шапалони унчалик катта эмаслигидан сувни кўп буғлантирмайди. Тупроқнинг бир оз чуқур қатламидан нам тортиб олиш қобилиятига эга. Сувга ўта талабчанмаслигининг боиси шундан. Лекин Ўзбекистон шароитида экинларни суғормасдан мўл ва сифатли ҳосил олиб бўлмайди. Агар

экин қондириб суғорилмаса, ҳосилдорлик ва сифат пасаяди. Сабзи ўстиришда тупроқнинг тўйинган дала нам сиғимига нисбатан суғоришдан олдинги тупроқ намлиги 70-75 фоиз бўлиши керак. Илдизмева сабзавотлар ўсув даврида сувни ҳар хил миқдорда талаб қилади. Уруғнинг униб чиқиши, шунингдек, баргининг жадал суратда ўсиш ва ҳосил тўплаш даврида сувга талабчанлиги биров ошади. Илдизмева етилган вақтда экин ҳаддан ташқари кўп суғорилса, узоқ сақлаб бўлмайди ва ёрилиб кетиши мумкин. Тупроқ нами етишмаса, барги қораяди, ортиқча сернам бўлса, оч яшил тусга киради.

Ўзбекистон шароитида сабзи боғ қатор орасига қўзда ва кўкламда сепилади. Кўкламда сепилганда ўсимлигининг ўсув даври ҳаво анча салқин пайтда ўтади, лекин илдизмева ҳосил қилиш пайти ёзнинг иссиқ вақтига тўғри келади. Бу даврда экилган уруғ қишда ва баҳорда ёққан ёғиндан



Экин қондириб суғорилмаса, ҳосилдорлик ва сифат пасаяди.

тўпланган нам ҳисобига бемалол униб чиқади. Кўклам қурғоқчил келган йиллардагина уруғнинг униб чиқишини тезлаштириш мақсадида сув берилди.

Кўкламда экилган илдизмева сабзавотлар апрелнинг иккинчи ярмидан бошлаб суғорилди. Дастлабки пайтларда экин ҳар бир ярим-икки ҳафтада, майнинг иккинчи ярмидан

этиборан, яъни илдизмевалар жадал суратда катталашаётганда ҳар 7-8 кунда суғорилади. Ҳосил етилиб, йғим-терим пайти яқинлашганда суғориш тўхтатилади. Сизот суви чуқур жойлашган ерларда эртаги сабзи ўсув даврида 8, сизот суви юза далаларда эса 5-6 марта суғорилади. Меъёрдан ортиқ суғориш тавсия этилмайди.



**Ҳар ИККИ ЙИЛДА БИР МАРТА "Йил ўқитувчиси" ҳамда "Қасбий маҳорат етакчиси" танловлари ўтказилади.**



**Камида 5 нафар хотин-қизнинг тадбиркорлигини йўлга қўйишга кўмаклашган "устоз" тадбиркорларга 50 миллион сўмгача ГРАНТ АЖРАТИЛАДИ.**



**Собиқ маҳбусларга БҲМнинг олти баравари миқдоридagi БИР МАРТАЛИК НАФАҚА "Инсон" ижтимоий хизматлар марказлари орқали тўланади.**

МАҲАЛЛАДА ДУВ-ДУВ ГАП

**СУРХОНДАРЁДА ГИЛОС ПИШДИ**

Термиз туманидаги "Қорахон" маҳалласида истеҳсоқ қилувчи меҳнаткаш боғбон Алланазар Турдиевнинг томорқасида гилос меваси пишди



даги гилос навлари пайванд қилинган. Бу дарахтлар иссиқ климатга чидамли, ноёб турларга мансуб бўлиб, ҳар бирида мевалар мўл-кўл ҳосилга кирган.

— *Ерға бир донга уруғ қадасангиз, унинг кўкариб чиққанини кўриб қувонасиз, — дейди Алланазар Турдиев.*

— *Ўтган йили гилос апрель ойининг биринчи ўн кунлигида пишиб, етилган эди. Меванинг килосини 200 минг сўмдан кўтарасизга харид қилишди. Бу йил ҳам харидор келиб турирди. Тўлиқ пишиб, узини тейёр бўлган, савдосини келишмоқчимиз.*

Турдиевлар оиласида томорқа нафақат кўшимча даромад манбаи, балки сеvimли машғулот ҳамдир. Боғда гилосдан ташқари, олма, нок, pista каби дарахтлар барпо этилган. Қатор ораларида нўхат, картошка, пиёз ва қулпуннай каби маҳсулотлар етиштириляпти.

Алланазар ака ва унинг умр йўлдоши Дилбар опанинг меҳнатга меҳридан бугун фарзандлар, келинлар ва набиралар ҳам баҳраманд. Мавсумга қараб, қўшиллар ҳам вақтинчалик иш билан таъминланади.

Мамалякатишимиз жанубидаги воҳода шу пайтгача баҳорнинг илк ойларида тут, кейинроқ эртаги ўрик пишиб, етилар эди. Эндиликда ишбилармон одамларнинг томорқадан оқилона фойдаланиши ва хоризж тажрибаларини ўрганиши учун яратилган шароитлар бошқа эртапишар мевали дарахтларни ҳам парваришлаб, яхши даромад топишига қўлай имконият бўлди.

Боғдорчилик Алланазар ака учун ота касб, томорқада 16 тур-

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

**"ИШСИЗМАН, ЛЕКИН ИШСИЗ ШАҲС ЭМАСМАН..."**

Мадамин АБДУМАННОНОВ. Китоб тумани:

— *Мен ҳеч қерда ишламайман. Ишсизлар учун берилётган имкониятлардан фойдаланаман, десам, менга сиз ишсиз шахс эмасиз, дейишмоқда. Мен ростдан ҳам ҳеч қерда ишламайман. Қандай қилиб мен ишсиз шахс бўлмаслигим мумкин?*



Сирожиiddин ЙЎЛДОШЕВ, Китоб тумани адлия бўлими Давлат хизматлари маркази катта мутахассиси:

— "Аҳоли бандлиги тўғрисида"ги қонуннинг 44-моддасида сиз нега ишсиз эмаслигингизнинг сабаби келтирилган. Унга кўра, таълим муассасаларида ўқиётганлардан ташқари, ўн олти ёшдан то пенсия таъминоти ҳуқуқини олиш ёшигача бўлган меҳнатга лаёқатли фуқаролар қуйидаги шартларга мос келганда ишсиз деб эътироф этилади:

- **ҳақ тўланадиган иш ёки даромад келтирадиган машғулотга эга бўлмаслиги;**
- **иш қидираётган ва иш тақлиф этилса, унга киришишга тайёр бўлиши;**
- **касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ёки малакасини оширишга тайёр бўлиши;**
- **ишга жойлашишда кўмак сўраб маҳаллий меҳнат органларига мурожаат қилган бўлиши;**
- **ушбу органлар томонидан иш қидираётган шахс сифатида расмий рўйхатга олинган бўлиши.**

Хулоса қилиб айтганда, сиз ишсиз бўлиб, ишсиз эмаслигингизнинг сабаби шунки, сизнинг ишсизлигингиз маҳаллий меҳнат органларида расман қайд этилмаган. Сиз ушбу органга мурожаат қилинг, уларнинг қонуний талабларини бажаринг ва улар сизни расман ишсизлар рўйхатига киритиб қўйишди. Шундан кейин сиз ишсизлик нафақасини ҳам, ўзингиз айтган ишсизлар учун берилётган бошқа имкониятлардан ҳам фойдаланишингиз мумкин.

**Ёшлар билан ишлаш бу — маълумот, куч, ғайрат ва ирода!**

”

**Ёшлар етакчилиги жорий этилгунига қадар фақат мактаб ёшидаги йигит-қизлар билан ишлардим.**



билан ўзимизни оқлашни истамаймиз. Вазифамизни ўз вақтида адо этишимиз, ҳар бир ёшнинг кўнглига йўл топишимиз зарур. Ноғирон ёшлар орасида ўқиш ва ўзини ривожлантиришга интилаётганлар кўп. "Ibrat Academy", "Ustoz AI" ва "Mutolaa" каби лойиҳаларда иштирок этаётган имконияти чекланган ёшларга ноутбуклар тақдим этилди.

Ёшлар билан ишлаш нафақат масъулият, балки куч, ғайрат ва иродани талаб қилади. Нега дейсизми? Чунки уларга тез-тез янги гоёлар тақдим этиш, бир-бирдан фарқли лойиҳаларни амалга ошириш — бугунги замон талабларидан бирдир. Яқинда тиббий билимга эга ёшлар билан бирга соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиш мақсадида "Саломатлик посбонлари" лойиҳасига қўл урмоқчимиз. Маҳалладаги ёшлар ва аёлларни соғлом турмуш тарзига қорлаш, тиббий билимлар билан таништириш ва санитария-гигиена қоидаларига амал қилиш бўйича йўриқнома ишлаб чиқилди. Шу кунларда ушбу лойиҳанинг тақдимотини ўтказиш ниятидамиз. Лойиҳа доирасида юриш, югуриш бўйича марафонлар ташкил этилади, спорт билан мунтазам шуғулланишга эътибор қаратилади.

Хуמוномирзо МЎМИНОВ, Фарғона шаҳридаги "Сурхтепа" маҳалласи ёшлар етакчиси.

ижро этиш муассасасидан қайтган ҳамда пробация рўйхатида турган ёшга ҳоким ёрдамчиси тавсияси билан 33 миллион сўм кредит ажратилди. Шунингдек, фиш ишлаб чиқариш учун унга маҳалланинг захира еридан жой ажратилиб, яна икки нафар ёшнинг бандлиги таъминланди. Бундан ташқари, 5 нафар ёшга пайвандлаш ускуналари, қолганларига тикув машиналари, сартарош анжомлари олиб берилди. Ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларга имконият

”

**Миграцияда юрган йигит-қизлар билан суҳбат ўтказиб, уларга юртга қайтишни тавсия этдик.**

яратиш нафақат маҳалламизда, балки чет элданги ёшлар билан ҳам давом этмоқда. Миграцияда юрган йигит-қизлар билан суҳбат ўтказиб, уларга юртга қайтишни тавсия этдик. Шундан сўнг 39 нафар ёшдан айримлари мамлакатга қайтди. Дарҳол уларни рўйхатга олдик ва хуудда аёллар пойабзали ишлаб чиқариш корхонасига ишга жойлаштирдик. Албатта, фаолиятимизда имконияти чекланганлар билан ишлаш бироз қийин кечади. Бирок бу

Дастлаб ёшлар билан муносабатларни йўлга қўйишда, албатта, қийинчиликлар бўлди. Бирок бу тўсиқларни енгиб ўтиб, улар билан дўстона муносабат ўрнатишга, ёшлар муаммосига шерик бўлиб, унга чора топишга эришдик.

Айтиш мумкинки, ёшлар етакчилиги жорий этилгунига қадар фақат мактаб ёшидаги йигит-қизлар билан ишланарди. 30 ёшгача бўлган ёшлар назардан четда қолаверган. Кўпчилиги маҳаллада истиқомат қилган ҳолда ўз истеъдодини намойён қила олмасди. Бугунги кунда эса санъат, маданият, спорт каби йўналишларда иқтидорларни аниқлаб, "Беш ташаббус олимпиадаси"га жалб қияляимиз. Ёшларни тадбиркорликка жалб қилишда катта муваффақиятларга эришдик. Бу йўналишда йигит-қизларга имтиёзли кредитлар ажратилиб, бироз туртки берилди, холос. Хусусан, жазони



МУЛОҲАЗА

**Вақт етган поёнига — исроф мутлақо шартмас!!!**

Тўйлардаги исрофгарчиликлар ҳақида кўп марта сўз юритганмиз. Бирок одамларнинг дабдабага берилгани кундан-кунга метёбидан ошса ошяптики, асло камаймаяпти. Бу борада айтилган сўзлар амаллий натижа бермай қўйди. Энди кескин чоралар кўриш вақти келди, чамамда.

Шаҳноза ХАЛИЛОВА.

Зотан, Президентнинг тегишли фармонида асосан, жорий йилнинг август ойига қадар тўйлар, оилавий тантаналар, маъракалар ва маросимлар ўтказилишини тартибга солиш бўйича парламент палаталари кенгашларининг қўшма қарори қабул қилиниши кутуляпти. Бу жараёнда "маҳалла етилиги"нинг масъулияти оширилиб, тўйларни тартибга солишда қатор жиддий чоралар қурилиши кутуляпти.

**Амалдаги қоидалар қандай?** Аслида, 2020 йил 1 январдан буён парламент палаталари кенгашларининг қўшма қарори билан тасдиқланган Низом юридик жиҳатдан амал қилиб келмоқда. 2020 йил март ойида Ўзбекистонда тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни ўтказиш қоидаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланган. Хусусан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга кўра, қоидага бўйсунмаганлар БҲМнинг 10 баравари (ҳозирда 3 миллион 750 минг сўм), тўйхона ва кафе-ресторанларнинг мансабдор шахслари БҲМнинг 30 баравари (тақририй) содир этил-



са, БҲМнинг 50 баравари) миқдорида жаримага тортилади.

Низомга кўра, тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар фақат бир кун (дафн этиш маросими бундан мустасно), соат 06:00 ва 23:00 ораллиғида ўтказилади. Уларда 200 нафаргача, бу тадбирлар муносабати билан ош бериш маросимида 250 нафаргача киши қатнашади. Қўшалок тўйларда 250 нафаргача, у билан боғлиқ ош бериш маросимида эса 300 нафаргача киши қатнашиши мумкин.

Миллий аънаваларга ёт, одоб-ахлоқ қоидаларига зид бўлган турли шоуларни, ортиқча вақт ва харажат талаб қиладиган тўйлар, оилавий тантаналардан олдинги, тадбир давомидаги ва ундан кейинги кўшимча расм-русумларни ("келин навқари", "чорлар", "ота кўрди", "сеп ёйди", "қуда чақирди", "куёв чақирди", "келин чақирди", "тоғора юбориш" ва ҳоказоларни) ўтказишга йўл қўйилмаслиги белгилаб қўйилган. Тўй ўтказувчи шахслар тўйдан камида бир ҳафта олдин

”

**Хўш, амалда-чи? Қайси тўй қилаётган фуқаро ёки қайси тўйхона бу қоидаларга риоя қияпти? 200 киши, боринг ана, 300 киши билан ўтказилаётган тўйларга кўзимиз тушяптими? Афсуски, йўқ!**

маҳаллани хабардор қилиши талаб этилади. **Хўш, амалда-чи?** Қайси тўй қилаётган фуқаро ёки қайси тўйхона бу қоидаларга риоя қияпти? 200 киши, боринг ана, 300 киши билан ўтказилаётган тўйларга кўзимиз тушяптими? Афсуски, йўқ! Ҳали-ҳамон дабдабозлик, исрофгарчилик камаймаяпти, кимўзарга тўй қилиш одат тусига кириб боряпти. Хўш, белгиланган тартиблар ишлаши, одамлар ҳужжатдаги қоидаларга амал қилиш учун нима етишмаяпти? Жавоби тайин: **АНИҚ ТАРТИБ, ҚАТЪИЙ ЖАЗО, БАРЧА УЧУН ТЕНГ БЎЛГАН ҚОНУН!**

Юқорида Президент фармонида кўра, жорий йил августгача янги тартиблар ишлаб чиқиши ҳақида айтиб ўтдик. Биз ҳам айна масалада айрим тақлифларни илгари сурмоқчимиз. **Энг аввало**, тўйлар учун ажратиладиган бюджетни белгилаш, дабдабага ҳаражат қилишни чеклаш лозим. Шу билан бирга, тадбирларда қатнашадиган одамлар сонини аниқлаштириш, исрофгарчиликка олиб келадиган оdatларга барҳам бериш зарур. **Шунингдек**, тўй хизматларини тақдим этувчи компанияларни сертификатлаш ва уларнинг фаолиятини доимий мониторинг

қилиш керак. Хизматлар нархи бўйича тартиб ўрнатиш, хизмат сифатини баҳолаш ва улар учун махсус рейтинг тизимини жорий этиш мақсадга мувофиқ. **Қолаверса**, маҳаллалар ва жамоат ташкилотлари томонидан тўйлар ва маросимлар устидан назоратни кучайтириш вақти аллақачон келган. Исрофгарчиликни камайитириш учун рағбатлантириш дастурларини ишлаб чиқиш зарур. Мисол учун, кам ҳаражатли, аммо самимий ва мазмулли тўйларни ташкил этишга ёрдам берадиган дастурлар лозим.


**Бундан ташқари**, дабдабали тўй ва маросимлар, исрофгарчиликнинг зарарли оқибатларини кўрсатиш учун ижтимоий роликлар, фильм ва кўрсатувлар тайёрлаб, оммавий ахборот воситалари, интернет тармоғида фаол тарғиб этиш керак. Бу орқали тадбирларни ўтказиш бўйича жамоатчилик фикри шакллантирилади, исрофгарчиликка қарши ижтимоий қаршилик кучайтирилади. Умуман олганда, юқоридаги чоралар биргаликда амалга оширилса, тўй ва маросимлардаги исрофгарчиликнинг олдини олишда самарали натижаларга эришиш мумкин.



Санъаткорларни давлат мукофотларига тавсия этишда, биринчи навбатда, уларнинг ЖОНЛИ ИЖРО ЭТА ОЛИШ ҚОБИЛИЯТИ инобатга олинади.



“Fitch Ratings” халқаро рейтингда Тошкент Марказий Осиёда ВВ-халқаро рейтингини олган БИРИНЧИ ВА ЯГОНА ШАХАР бўлди.



Ўтган йили 3 321 нафар ҳайдовчи ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ҚОЙДАЛАРИни бузиш бўйича судланиб, улардан 917 нафари озодликдан маҳрум этилди.

“САЙЛОВ – 2025”

# Ҳаёт безагининг талаби битта — фидойилик билан ташаббус сари

Нурафшон шаҳрида Тошкент вилоятида фуқаролар йиғинлари раиси сайловни ўтказишнинг бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.



Абдулазиз МУСАЕВ, журналист.

Кайд этилганидек, бугунги кунда 1 025 та маҳаллада 6 минг 221 нафар “еттилик” аъзолари фаолият олиб бормоқда. Бу йил мамлакатимиз тарихида илк бор сайловлар янгича демократик тамойиллар асосида, очиқлик ва ошкораликда, фуқароларимизнинг хоши ва иродасини эркин ифода этиш принципларига хос тарзда ўтказилади.

Яна бир муҳим ўзгариш — маҳалла раиси сайловини ўтказиш муддатларини белгилаш меъёри эндиликда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқори Кенгеси, халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар кенгашлари ваколатига ўтказилган бўлиб, ушбу ўзгариш жойлардаги маҳаллаларнинг маҳаллий вакиллик органлари билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйишига ёрдам беради.

Хозирда май-июль ойларида ўтказиладиган маҳалла раислари сайловига қизгин тайёргарлик кўриляпти. Бунинг учун ҳудудларда маҳалла раислари сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар қошида Штаблар

фаолияти йўлга қўйилди. Шу бўйича зарур ҳужжатлар лойиҳаси тайёрланиб, ҳудудларга етказилди. Сайловни юқори савияда ташкил этиш учун битта маҳаллага ўртача харажатлар сметаси ишлаб чиқилиб, ҳокимликлар томонидан тасдиқланди.

— Маҳалла раиси сайловини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича барча маҳаллалар вакиллари йиғилишлари қарори билан ишчи гуруҳлари (Тошкент вилоятида 9 минг 61 нафар аъзолари) тасдиқланди, — дейди **Ўзбекистон маҳаллалари уюشمаси Тошкент вилояти бошқармаси бошлиғи Фурқат Ҳудойбердиев**. — Адлия вазирлиги билан биргаликда жорий йилнинг февраль-март ойларида кўмаклашувчи комиссиялар ва ишчи гуруҳлари аъзолари ўқитилди. Шунингдек, улар фаолиятини самарали ташкил қилиш бўйича услубий қўлланмалар ишлаб чиқилиб, ҳудудларга етказилди.

Айтиш кераки, туман-шаҳар кўмаклашувчи комиссияларнинг қарори билан сайловда 246 минг 433 нафар вакиллар иштирок этиши белгиланган. Хусусан, жорий йил 1 май куни вилоятдаги ҳар бир туман ва шаҳардан биттадан жами 22 та маҳаллада сайлов ўтказилади.

БИЛИБ ОЛИНГ!

## 1 МАЙДАН СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ БЕРИЛАДИ



Қонунчиликка кўра, 2025 йил 1 майдан бошлаб, солиқ имтиёзлари билан боғлиқ айрим ўзгаришлар қўлга киради.

2031 йил 1 январга кreative парк резидентларига қўйидаги солиқ имтиёзлари жорий этилади: **ижтимоий солиқни ҳамда жисмоний шахслардан олинандиган даромад солиғини 50 фоиз камайтирилган ставкада тўлайди;** товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган даромад миқдоридан қатъи назар айланмадан олинандиган солиқ тўловчилар тоифасига киритилади. Бунда улар ўз истагига биноан умумбелгиланган солиқ солиш тартибига ўттишлари мумкин.

Шунингдек, ўз фаолиятини тегишинча ўрта ёки йирик бизнес тоифасигача йириклаштирган тадбиркорларга — бир йил давомида қўшилган қиймат солиғи суммаси ўрнини қўлаш (қайтариш) 7 кун муддатда тезлаштирилган тартибда амалга оширилади.

ХАБАРДОРМИСИЗ?

## ҚАНДАЙ ТАРТИБДА ЯТТ БЎЛИШ МУМКИН?



Тадбиркорлик фаолиятини юридик шахс ташкил этмаган ҳолда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиб амалга оширадиган жисмоний шахс — яққа тартибдаги тадбиркор ҳисобланади.

Агар сиз яққа тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтмоқчи бўлсангиз, Давлат хизматлари марказига мурожаат қилинг. Ёки масофадан туриб [new.birdarcha.uz](http://new.birdarcha.uz) сайти орқали ариза беришингиз мумкин. Сиз Давлат хизматлари марказига бориб ариза берсангиз, базавий ҳисоблаш миқдори (БХМ)нинг 1 баравари, яъни 375 минг сўм давлат божи тўлайсиз. Агар интернет орқали ариза берилса, БХМнинг 0,9 баравари (337 500 сўм)ни ташкил этади.

Яққа тартибдаги тадбиркор(ЯТТ)га рўйхатдан ўтганида гувоҳнома берилади. Давлат рўйхатидан ўтган ойдан кейинги ойдан бошлаб, ҳар ойда 15-санадан кечиктирмай қатъий белгиланган миқдорлардаги даромад солиғи ҳамда ижтимоий солиқ — БХМнинг 1 баравари (375 000 сўм) тўланади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқори Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари туманлар ва шаҳарларнинг иқтисодий ривожланиш даражасидан келиб чиқиб, ЯТТлар учун қатъий солиқ ставкаларининг энг кам ва юқори ставкалари доирасида қатъий солиқ ставкаларининг миқдорини белгилайди. Унга кўра, ЯТТнинг товар(хизмат)лар реализациясидан олинган даромади календарь йилида 100 миллион сўмдан ошса, айланмадан олинандиган солиқ (АОС) тўлашга, 1 миллиард сўмдан ошса, қўшилган қиймат солиғи (ҚҚО) ва фойда солиғини тўлашга ўтади.

Яққа тартибдаги тадбиркорлар 5 нафаргача ходим ёллаш ҳуқуқига эга ва ёлланма ходим учун йилига бир марта 31 декабргача БХМнинг 1 баравари миқдорда ижтимоий солиқ, ҳар ойда 15-санадан кечиктирмай 12 фоиз даромад солиғи тўлайди. Шунингдек, ЯТТларга (даромади 100 млн. сўмдан ошмайдиган) ёлланма ишчилари даромадларидан 12 фоиз ўрнига қатъий солиқ ставкасининг ярмини тўлаш ҳуқуқи ҳам берилган.

Солиқ қўмитаси Ахборот хизмати.

## Тадбиркорлик, энг аввало, билимдан бошланади



Йўл-йўриқ кўрсатаямиз. Тушунтириш ва тарғиботларимиз натижасида солиқ қарздорликлари ўз вақтида тўланапти. Хусусан, 15 апрелга қадар 40 фоиз аҳоли мол-мулк ва ер солиқларини тўлашди.

Мазкур маҳаллаларда иш бошлаганимдан буён тадбиркорлар сони ортиб, солиқ тушуми 30 фоизга ўсди. Биргина ўтган март ойида белгиланган режадаги 350 миллион сўм ўрнига, 425 миллион сўм солиқ тушуми ундирилди. Агар ҳудудлардаги 70 фоиз аҳолининг уй-жой ва ер участкаларининг кадастр ҳужжатлари билан боғлиқ муаммолари ҳал этилса, солиқ тушуми янада ортади.

Бугунги кунда аҳолининг томорқа ер майдонларида кўплаб қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириляпти. Агар уларни қайта ишлаш корхоналари ташкил этилса, янги иш ўринлари яратилиб, солиқ тушуми кўпаяди. Бироқ ҳақиқий ишбилармон инвестор йўқ. Қўпчилик фуқаролар ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этиб, янги иш ўринлари яратаман, деб кредит олаптию кейинчалик билимсиз ва тажрибасизлиги сабаб иш фаолияти тўхтаб қоляпти.

Солиқ соҳасига оид барча масалалар босқичма-босқич ҳал этиляпти. Мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб, чакана ва қурилиш савдолари, маиший ва автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ҳамда умумий оватланиш тармоқларини ривожлантиряпти. Мақсад — солиқ тушумини ошириш, тадбиркорларга кўмак беришдир.

Ибратжон Қодирзода Маҳалла тизими ходимлари кунда “Маҳалла ифтихори” кўкрак нишони билан тақдирланди.

Менга бириктирилган мазкур маҳаллалар билан олдин ҳам ишлаганман. Лекин у пайтларда ҳар бир тадбиркорлик субъектни ёки хонадонга кириб бормаганмиз. Шу боне фуқаролар олдин тушунмовчилик юзасидан ҳам солиқ илдорасига катнаб сарсон бўларди. Мол-мулк ва ер солиғига оид қарздорлик кўп эди.

Ибратжон ҚОДИРЗОДА, Тошлоқ туманидаги “Варзак”, “Ўзбекистон” ва “Бўстон” маҳаллалари солиқ инспектори.

“Маҳаллабай” иш ташкил этилган, ҳар куни маҳаллаларда юриб, солиқ тўловчиларни қизиқтирган саволларига жавоб бераймиз. Солиқ қонунчилиги, имтиёз ва имкониятлар ҳақида хабардор этяпмиз. Натижада биргина “Варзак” маҳалласида тадбиркорлар сони 18 тага етди. “Ўзбекистон” ва “Бўстон” маҳалласи аҳолиси деҳқончилик, асосан, помидор,

бодринг, булғор қалампир, қарам каби полиз маҳсулотлари етиштириб, янги даромадга кирди.

Айни кунда учта маҳаллада 26 та юридик корхона, пахта, ғалла ва боғдорчиликка ихтисослашган 17 та фермер ҳамда 6 та деҳқон хўжалиги, 32 нафар яққа тартибдаги тадбиркор, 2 110 та мол-мулк ва ер солиғи тўловчиси бор. Уларга қонуний фаолият юритиши бўйича маслаҳат бериб,

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

## Ер солиғи қандай тартибда ҳисобланади?

Музаффар ШУКУРОВ, Сурхондарё вилояти:

— Қишлоқ хўжалиги ерларига қандай тартибда ер солиғи ҳисобланади? Бу тоифадаги ерларга тўлов муддати қачонгача?

Музаффар НАЗАРОВ, Солиқ қўмитаси бошқарма бошлиғи ўринбосари:

— Солиқ кодексининг 427-моддасига асосан, ер участкаларининг қонунчиликка мувофиқ аниқланган меъёрий қиймати қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг солиқ солиш базаси ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар учун солиқ ставкалари қишлоқ хўжалиги экинзорларининг меъёрий қийматига нисбатан 0,95 фоиз миқдорда белгиланади. Бу тоифадаги ерлар бўйича солиқ ҳисоботи жорий солиқ даврининг 1 майдан кечиктирмай тақдим этилади. Тўлов муддатлари ҳисобот йилининг 1 сентябрга қадар — йиллик солиқ суммасининг 30 фоизи, қолган қисми 1 декабрга қадар тўланади.





Ўзбекистонда 2025 йилнинг дастлабки чорагида 198,1 минг нафар БОЛА ТУҒИЛДИ, бу 2022 йилдан буён энг кам кўрсаткич ҳисобланади.



Йил бошидан буён Ўзбекистон 3,57 миллиард долларлик ОЛТИН ЭКСПОРТ ҚИЛДИ, бу 2024 йил январь-март ойларида 34 фоиз кўп.



Оғир оқибатларга сабаб бўлган ноқонуний қурилиш қилганлик учун АЛОҲИДА ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИК белгиланди.

ИМКОНИАТ

## МАҲАЛЛАДА БЕПУЛ ФАН ТЎГАРАКЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Бугунги кунда “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Қашқадарё вилояти бошқармаси томонидан қатор ишлар олиб борилмоқда.

Ўлмас БАРОТОВ, журналист.

**М**аҳаллалардаги ижтимоий ходимлар томонидан аҳолини камбағалликдан чиқариш бўйича кичик ижтимоий лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. Лойиҳа — иш билан таъминлаш, реабилитация, таълим, касбга ўргатиш ва бошқа йўналишларни ўз ичига олади.

Мана шундай лойиҳалардан бирини Чирочки туманидаги “Кишмиштепа” маҳалласида ишлаб келаётган ижтимоий ходим Дилноза Мустафоева амалга оширди. Лойиҳага кўра, таълимга қизиқиши юқори бўлган камбағал оилалар рўйхати шакллантирилди. Шунга кўра, 25 та камбағал оила фарзандлари қизиқишларидан келиб чиқиб, турли фан тўғарақларига бепул жалб этилди.

Бугунги кунда “Кишмиштепа” маҳалласида тўрт мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Маҳалла ижтимоий ходими камбағаллик сўровномасини ўтказган. “Камбағал оилалар реестри”да 44 та оила бўлиб, уларга 132 та индивидуал хизматлар режаси тузилган. Индивидуал хизматлар режасига кўра, ҳозирги кунда ушбу оилаларга тиббий, касб-хунар, ижтимоий ва уй-жой шароитларини яхшилаш бўйича хизматлар кўрсатилляпти.

Шунингдек, Дилноза Мустафоева келгусида ногиронлиги бўлган болаларни жалб қилган ҳолда компьютер саводхонлиги бўйича курсларда бепул иштирок этиши учун имконият берувчи лойиҳаларни амалга оширишни режалаштиряпти.



ПРОФИЛАКТИКА ХУДУДИ



## БИР ЗУМ БЎЛСА-ДА, ҲУШЁРЛИКНИ ЙЎҚОТИШГА ҲАҚҚИМИЗ ЙЎҚ

Маҳалламиз туман марказидан бироз олисда, қўшни Бандихон тумани билан чегарадош ҳудудда жойлашган. Бу ерда бир қанча қурилиш маҳсулотлари ва ширинликлар ишлаб чиқариш цехлари бор. Икки мингдан ортиқ аҳолининг аксарияти деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланади.

Афзалшоҳ НАСРИДДИНОВ, Қизилқум туманидаги “Гулзор” маҳалласи профилактика инспектори.

**О**датда, кунлик иш фаолиятини маҳалла идорасидан бошлайман. Чунки хизмат уйим шу ерда. Хар куни “еттилик” аъзолари иштирокида ўз йўналишларимиз бўйича мавжуд муаммоларни муҳокама этиб, кунлик вазифаларимизни белгилаб оламиз. Менинг асосий вазифам — маҳаллада хавфсиз муҳитни яратиш, жиноятчиликнинг барвақт олдини олишдир. Бу мақсадларга эришишимда оила аъзоларим билан шу ерда яшаб, ишлаётганим яхши самара берапти. Чунки кечая кундуз шу ҳудудда бўлиб, гулзорликлар билан самарали ишлаб, жиноятчиликнинг барвақт олдини оляпман. Бирор манзилда ҳуқуқбузарлик ёки ҳақдор бўлса, тезкор этиб бораман.

Ҳудуд хавфсизлигини таъминлаш учун кўчаларга, жамоат жойлари ва савдо дўконларига замонавий видеокузатув қурилмалари ўрнатдик. Ҳарбий хизматга

кеттиш иштиёқида бўлган ёшлардан иборат “Қалқон” гуруҳини тузиб, улар иштирокида тунги навбатчиликни йўлга қўйганмиз. Шунингдек, нотинч оилалар, спиртли ичимликка ружу қўйган, муқаддам судланган фуқароларни тоифаларга ажратиб, улар билан манзилли ишлаяпман. Хар бири ҳақида “маҳалла еттилиги” аъзоларига ўз йўналишлари бўйича ижтимоий профилактик хулосалар бериб, ижтимоий-маиший муаммоларини ҳал этиш чоралари кўриляпти. Шу тариха нотинч оилалар яраштирилляпти, ишсиз фуқаролар ишга жойлаштирилиб, даромадли қилиняпти. Учта оила бекасига химоя ордери берилиши ижобий натижа берди.

Бугун кибержиноятларнинг турли кўринишлари намоён бўляпти. Фуқароларнинг бундай фарибгарлар тузоғига тушиб қолмасликлари учун аҳоли билан доимий мулоқотда бўлиб, уларнинг асл сабабларини тушунтиряпман. Шунингдек, маҳалламиз учун алоҳида телеграм гуруҳи очиб, махсус оғоҳлантирувчи видеоқўлланма ва видеороликлар жойлаб боряпман. Хар ой хорижга чиққан 126 нафар фуқаро билан мулоқотда бўлиб, ишлаш ва яшаш шароитларини ўрганаман. Шу кунгача 56 нафарини

маҳалла тизими ходимлари кунда “Маҳалла ифтихори” кўкрак нишони билан тақдирланди.



қайтаришга эришдик. “Мақтаб — ота-она — маҳалла” ҳамкорлигида ҳудуддаги 11-умумтаълим мактабда учрашувлар ташкил этиб, ўқувчиларнинг таълим-тарбияси, дарсада мунтазам иштирокини таъминлаш ҳамда бўш вақтларини мазмунли ўтказишга алоҳида эътибор қаратаяпмиз. Мактабларда турли тўғарақлар фаолияти йўлга қўйилиб, фан, санъат ва спорт мусобақалари ташкил этиляпти. Футболчи қизларимиз вилоятда фахрли ўринларни эгаллаб келяпти.

Бир сўз билан айтганда, ҳуқуқбузарликларнинг туб илдизини барвақт аниқлаб, бартараф этиш чораларини кўряпмиз. Шу боис жиноятдан холи ҳудуд — “яшиш” тоифадамыз.

Бирок бир зум бўлса-да, ҳушёрликни йўқотганимиз йўқ. Аҳоли билан доимий мулоқотда бўлиб, тарғибот тадбирларини давом эттиряпмиз. Бу борадаги ишларимизни Президентимизнинг “2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қароридан белгилаб берилган устувор вазифалар жроси билан уйғунликда олиб боряпмиз. “Йўл харитаси” ишлаб чиқилиб, “маҳалла еттилиги”нинг хар бирига ўз йўналишлари бўйича маълум вазифалар юклатилган.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

## КУРЬЕРЛИК ЖЎНАТМАЛАРИ БОЖДАН ОЗОД ЭТИЛДИМИ?

Сожида ЎСАРОВА, Тошкент шахри:

— *Эшитшимча, 2025 йил 1 майдан интернет дўконлари орқали харид қилинган товарларга божсиз олиб кириш қоидаси қўлланилар экан. Бу қанчалик асосли? Яна бир саволим, фуқаролар номига уларнинг хабарсиз жўнатмалар олиб келингани ва божхона расмийлаштирувидан ўтказилгани аниқланган тақдирда қандай тартиботлар амалга оширилади?*



Ҳусан ТАНГРИЕВ, Божхона қўмитаси Аxbорот хизмати раҳбари:

— Вазирлар Маҳкамасининг “Айрим турдаги товарларни божхона чегараси орқали олиб ўтиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида 2025 йил 1 майдан жисмоний шахсларнинг шахсий эҳтиёжи учун нотижорат мақсадларидан республикага олиб кирадиган товарларнинг божсиз олиб кириш қоидалари белгиланди. Унга кўра, эндиликда белгиланган 200 АҚШ доллари миқдоридаги божсиз олиб кириш қоидаси барча халқаро курьерлик жўнатмалари учун, шу жумладан, интернет дўконлари орқали харид қилинган товарларга нисбатан ҳам қўлланилади.

Иккинчи саволингизга келадиган бўлса, “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги қонунга, Жиноят кодексига ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга асосан, шахсга доир маълумотлардан ноқонуний фойдаланганлик учун жавобгарлик белгиланган. Унга шахсининг номига унинг розилигисиз товарлар олиб келиш шу турдаги ҳуқуқбузарликлар турига кириб, бу каби ҳолатлар аниқланган тақдирда божхона органлари ушбу курьерлик ташкилотларига нисбатан тегишли чора кўради. Мазкур маълумотлардан фуқаролар “Е-тижорат” мобил иловаси орқали жисмоний шахсининг шахсий идентификацион рақами орқали хабардор бўлиши ва божхона органларига мурожаат этиши мумкин.

ТАШВИШЛИ ҲОЛАТ

## Ожизага қўл кўтармоқ — ожизликдир

Ҳар бир ёш оила куриб, янги ҳаётга қадам қўяр экан, аввало, турмуши ширин ва бахтли бўлишини истайди. Бироқ куруқ истакнинг ўзи етарли эмас. Чунки оила деб аталмиш бўстонда ҳаёт бир текис кетмайди. Бу эса эр ва хотиндан сабр-қаноатли бўлишни, аҳилликни талаб этади. Йўқса, арзимаган гап-сўзлар, келишмовчиликлар муносабатларни емириши, ҳаётни боши берк кўчага киритиб қўйиши мумкин.

Зоҳиддин НУРИДДИНОВ, жиноят ишлари бўйича Яқкасарой тумани судининг тергов судьяси.

**К**ейинги йилларда эр-хотин ўртасида содир бўлаётган жанжаллар барчамизда ҳавотир ва ташвиш уйғотади. Оммавий ахборот воситаларида дилни хира қиладиган ана шундай ҳодисалар юз бераётгани ҳақидаги хабарларни тез-тез

ўқияпмиз. Аёлларни таҳқирлаш билан боғлиқ зўравонликлар кишини чуқур ўйга толдиради. Бундай шафқатсизликлар содир бўлаётгани сабабларидан бири — менталитетимизга хос бўлган аъналарга кўра, уйдаги жанжални кўчага чиқаришни хоҳламаймиз.

Афсуски, андишага борилгани оқибатида ҳақорат ва зулм авж олди. Натижада аёлларимиз қийин вазиятга тушиб, ҳаёти ва соғлиги хавф остида қолди. Жабрдийдалар муаммоларини яқин қариндошларига

айтганларида: “ха, энди оилада бўлади-да” дейишлари ҳам аёлларнинг мунтазам хўрланмишига олиб келяпти. Бироқ оилавий зўравонликка бир оиланинг муаммоси ёки ташвиши деб қараш мулақо нотўғри.

Мамлакатимизда ушбу муаммога қарши курашиб келиняпти. Жабрдийдаларни химоя қилишнинг ҳуқуқий асослари яратилган. Бизда одатда эридан жабр кўрган аёл тегишли жойга арз қилмайди. Бу ҳолат аксарият зўравонларнинг жазосиз қолишига олиб келмоқда. Жабрланувчилар айбдор билан бир уйда яшашини ҳисобга олсак, масаланинг нақадар оғирлигини англаш қийин эмас.

Тахлиллар бундай ҳуқуқбузарликларни, асосан, эркаклар содир этаётганини кўрсатаёттир. Масалан, Яқкасарой тумани Миробод кўчасида яшовчи Василий Ч. узаро оилавий ке-



Аёллар қийин вазиятга тушиб, ҳаёти ва соғлиги хавф остида қолди. Жабрдийдалар муаммоларини яқин қариндошларига айтганларида: “ха, энди оилада бўлади-да” дейишлари аёлларнинг мунтазам хўрланмишига олиб келяпти.

лишмовчилик оқибатида келиб чиққан тортишув натижасида турмуш ўртоғи билан жанжаллашиб, уни уриб тан жароҳати етказган. Василий Ч. суд мажлисида ўзининг айбига иқдор бўлиб, ҳозирда қилган ишдан пушаймон эканлигини баён қилди. Суднинг қарори билан у маъмурий ҳуқуқбузарлиқни содир қилган, деб топилди ва Василий Ч.га 5 сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинланди.

Шундай экан, ушбу иллатга қарши курашишда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ўз фаолиятларини самарали ташкил этишларини ҳаёт тақозо этмоқда. Улар маҳаллаларда ва иш жойларида оилавий зўравонликнинг олдини олиш бўйича профилактик суҳбатлар олиб боришлари мақсадга мувофиқ. Ўйлайманки, иш шундай ташкил қилинса, кўпгина ҳуқуқбузарликларнинг олди олинарди.



Аёлларни таҳқирлаш билан боғлиқ зўравонликлар кишини чуқур ўйга толдиради.

Бундай шафқатсизликлар содир бўлаётгани сабабларидан бири — менталитетимизга хос бўлган аъналарга кўра, уйдаги жанжални кўчага чиқаришни хоҳламаймиз.



**Қимматбаҳо металллар ва тошлар айланмаси соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун ЖАРИМА МИҚДОРИ кескин оширилди.**



**Самарқанд шаҳри 2028 йилда КОСМОНАВТИКА БЎЙИЧА халқаро конференцияни қабул қилади.**



**2024 йилнинг энг очиқ ва энг ёпиқ ДАВЛАТ ТАШКИЛОТЛАРИ маълум қилинди.**

# Жамият учун кераклигини англашнинг ўзи — КАТТА БАХТ

**Ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамиятдаги фаол иштирокини таъминлаш, уларни тенг ҳуқуқли меҳнат субъектига айлантириш борасида юртимизда самарали ишлар олиб борилмоқда.**

**Элбек ШОЙИМКҲУЛОВ, журналист.**

**Б**у борада 2020 йилда ташкил этилган “Зангиота ўқув ишлаб чиқариш корхонаси” масъулияти чекланган жамияти фаолияти диққатга сазовор. Корхона Даврон Абдусаматов бошчилигида мебель жиҳозлари ишлаб чиқариши йўналишида катта натижаларга эришяпти. Бугунги кунда унинг йиллик ишлаб чиқариш ҳажми 4 миллиард сўмни ташкил қилади. Эътиборлиси, жамоанинг 70 фо-

изини ногиронлиги бўлган шахслар ташкил этади. Соҳага оид тегишли ҳужжатларга мувофиқ, ходимларининг 50 фоизда ногиронлик бўлган тадбиркорлар давлат буюртмачилари билан тўғридан-тўғри шартнома тузиш ҳуқуқига эга. “Зангиота” корхонаси бу имкониятдан фаол фойдаланмоқда.

Даврон Абдусаматов ўтган йили Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган “Инсон учун” савдо-кўرғазмасида 600 миллион сўмлик шартномалар имзолаган бўлса, бу йилги ярмаркада 2 миллиард сўмдан ортиқ келишувга эришишни режалаштирган. — *Корхонамизда бугун меҳнат қилаётганларнинг катта қисми ногиронлиги бор шахслар рўйхатида турувчи юртдошларимиз саналади, — дейди Даврон Абдусаматов.* — Биз уларнинг имкониятларига ишонган ҳолда, тенг шароит яратишга интиляемиз. Давлатимиз яратиб бераётган энгилликлар, хусусан, тўғридан-тўғри шартнома тузиш



*ҳуқуқи бу бизга иш фаолиятини барқарор йўлга қўйиш ва янада кенгайтириш имконини берди. Шунга кўра, ўтган йили яхши натижаларга эришдик.*

Корхонада фаолият юритаётган ходимлардан бири — Шариф Комилов. У 1 гуруҳ ногирони бўлишига қарамай, фаол

меҳнат қилиб келмоқда ва келажақда ўз тадбиркорлигини йўлга қўйиш ниятида.

— *Бу ерга ишга кирганимдан жуда мамнунман, — дейди Шариф Комилов.* — *Хар бир ходим манфаати катта аҳамиятга эга. Айниқса, ногиронлиги бўлган шахсларга алоҳида эътибор кўр-*

*сатилади. Меҳнат қилиш, ўзини жамият учун кераклигини ҳис қилиш бу катта бахт. Яна бир қувонarli жиҳат — турли кўрғазмалар орқали ўз махсулотимизни намойиш этиш, янги шериклар топиш имкониятимиз бор. Мен ҳам келажақда мустақил тадбиркор бўлишни ният қилганман.*

Жорий йилнинг 1–2 май кунлари Тошкент шаҳридаги “Ўзекспомарказ”да бўлиб ўтадиган “Инсон учун” савдо-кўрғазмаси ҳам айнан шундай ишбилармонлар учун янги имкониятлар очади.

Бу аъъанавий тадбирда ногиронлиги бўлган шахсларни иш билан таъминлаётган тадбиркорлар ўз махсулот ва хизматларини намойиш этишади. Кўрғазма доирасида турли тижорат лойиҳалари ва ҳамкорлик ташаббуслари илгари сурилади.

“Зангиота” корхонаси ва у каби ижтимоий масъулиятли тадбиркорлар мисолида айтиш мумкинки, шароит яратилган жойда фидокорлик ва меҳнат орқалигина жамият фаровонлигини таъминлаш мумкин.

●●●●● ТАҚДИРЛАР

## ҲАРАКАТ ЧЕКЛАНГАН ЖОЙДА БОШЛАНГАН ҲУНАР

**Тошкент шаҳрида таваллуд тошган Феруза Шожонова биринчи гуруҳ ногирони. Туғилган вақтида ҳаракатда бўлган, аммо балогатга етганда секин-аста суяк ва мускулларида ҳаракатсизлик бошланган. Унга амнотатив Вершин-Гюфман ташхиси қўйилган.**



**Мухтарома КОМИЛОВА, журналист.**

**Ҳ**аракати чеклана бошланган қиз тўқувчиликни, тикувчиликни ўрганади. Бугунги кунда у болалар кийимлари, кўйирчоқ, юмшоқ ўйинчоқлар, уларнинг кийимларини тўқиш ва тикиш билан шуғулланиб келади. “Хунарманд” уюшмаси Тошкент шаҳар бошқармасининг таклифи билан қатор кўрғазма ва ярмаркаларда қўл меҳнати махсуллари билан иштирок этмоқда. Орзу-ниятлари чексиз, ҳаётдан умидлари катта бўлган Ферузани суҳбатга чорладик.

— *Ешлигимдан болалар кийимлари, кўйирчоқ, юмшоқ ўйинчоқлар ва уларга кийимлар тўқиш, шунингдек, матодан кўйирчоқлар тикиш билан шуғулланиб келаман, — дейди Феруза Шожонова.* — *Инклюзив ногиронлар жамияти таклифи билан у ердаги ногиронлиги бор шахсларга икки йил давомида уч ойлик курслар асосида тўқувчиликдан дарс ўтиб, ўзимда борини уларга ўргатганман. Кўрғазма ва ярмаркаларда махсулотларимиз билан иштирок этиб, уларни сотамиз. Қолаверса, хоржиий давлатлардан ҳам буюртмалар қабул қиламиз. Меҳнатларим бесаар кетмайпти, хунарим орқали ўзимнинг дари-дармонларимни олиша, қолаверса, оиланиз бюджетига ҳам ёрдам беришга ҳаракат қиламан.*

Бугун юртимизда биз каби ногиронлиги бор фуқароларни қўллашга, қўмаклашишга эътибор катта. Бундан хурсанд бўламан. Хунаримни хотин-қизларга ўргатсам, шу орқали ўзимдан яхши ном қолдирсам, мендан бахтли инсон йўқ.

## Инсонлар кўнглига йўл топиш осон эмас...

**Донм одамларга ёрдам беришга ошмаман. Кимнингдир мушкулни осон қилсам, муаммосини ҳал қилишга ҳиссам қўйилса, ичимга сиғмай кетаман. Хонадонларга кириб, ногиронлиги бўлган, эҳтиёжман қишлоқ билан суҳбат қураман. Токи, ўзим учун керакли маълумотларни олмагунча бирор эшикдан курук чиқиб кетмайман.**

**Сабоҳат ШОКИРОВА, Тўрақўрғон туманидаги “Бураматут” маҳалласи ижтимоий ходими.**

**И**нсонлар кўнглига йўл топиш осон эмас. Бунинг учун, аввало, самимият талаб этилади. Қанча уларни ўзимизга яқин олсак, ташвишини юракдан ҳис қилсак, ҳаммаси жуда оддий. Туғулганнинг секин-аста ечилиб бораётганини кўриб, меҳнатингиздан завқланишни бошлайсиз.

Мана, бир йилдирки, маҳалла-миздаги 53 нафар ногиронлиги бўлган фуқароларга имкон даражасида кўмаклашиб келяпман. Аввалига уларнинг сони 38 нафар эди. Ўрганишлар ва хатлов натижасида бир неча ногиронлик тайинланмаган аҳоли вакиллари тиббий кўриқдан ўтказиб, ўз ҳақ-ҳуқуқларидан самарали фойдаланишига имконият яратилди.

Хусниддин Шерматов — 1 гуруҳ ногирони. Анча вақт уйда ўтириб, қўл меҳнати орқали тоқ қайчи



ясаш билан шуғулланган. Электрон арава берилгач, худудимиздаги оилавий корхонада фаолият бошлади. Аввалига даромади кам эди, энди олаётган маоши билан рўзгорини бемалол тебратяпти. Турмуш ўртоғи эрига қарагани боис бирор жойда ишлаб олмасди. Бундан буёнги у ўзини қандолатчилик йўналишида синаб кўришга қарор қилди. Мактабда ўқийдиган фарзанди фан тўғрагаги жалб қилинган. Кичиги эса имтиёзли равишда мактабча таълим ташкилотига борапти.

Маҳалла-мизда камбағал оилалар 74 та ташкил этади. Тизимли ишлар самараси ўлароқ, май ойининг охирига қадар уларнинг 15 тасини реестрдан чиқаришни мўлжаллаганмиз. Йил сўнгига қадар камбағалликдан холи худудга айланишни режалаштирганмиз.

Маҳфуза Кенжаева, унинг ўғли ва келинида II гуруҳ ногиронлиги мавжуд. Оила вакиллари шу кунгача ҳеч қаерда ишлагани боис камбағалликка тушиб қолган.

**“** **Ҳар қандай муаммога билим ва маърифат орқали ечим топилади. Шундай экан, имконияти чекланган бўлишига қарамай, фуқароларнинг ўқиши учун муносиб шароит яратиб бериш жуда муҳим.**

Уларга ёрдам бериш мақсадида анчадан буён бўш турган ерида ҳомийлик асосида бино қуриб, маиший хизмат кўрсатишни йўлга қўйдик. Имтиёзли равишда берилган 25 миллион сўм кредит эвазига аёллар ва эркаклар саргарош-хонаси, компьютер хизмати ҳамда музқаймоқ сотиш жойи ташкил этилди. Ҳозир қўшимча равишда 2 нафар камбағал оила аъъосининг бандлигини таъминлаган. Мазкур

лоийҳанинг амалга ошиши натижасида уларни фаровонлик сари етаклашга эришдик.

Олдимда мени катта ишлар кутияпти. Биринчи навбатда, ногиронлиги бўлган фуқароларнинг бандлигини таъминлашни мақсад қилдик. Қолаверса, 6 нафар ногиронлиги бўлган болани параенгил атлетика спорт турига жалб қилмоқчиман. Ишонманки, эътибор берилган ҳар бир фуқаро кунли келиб ўзининг ютуқлари билан кўнглимизни кўтаради.

Ҳар қандай муаммога билим ва маърифат орқали ечим топилади. Шундай экан, имконияти чекланган бўлишига қарамай, фуқароларнинг ўқиши учун муносиб шароит яратиб бериш жуда муҳим. Бунинг учун маҳаллаларда ижтимоий кутубхоналар ташкил этилишига эҳтиёж бор. Айниқса, кўзи ожиз кишиларга махсус брайл ёзувидаги китобларни кўпайтириш билан уларнинг вақтини мазмуни ташкил этишга муносиб ҳисса қўшган бўлаемиз.

●●●●● МЕНДА САВОЛ БОР...

## Келиним набирамни кўрсатмаяпти...

**Ф.ЖАББОРОВА, Хоразм вилояти:**

**— Ўғлим келиним билан ажрашди. Келиним набирамизни кўришимизга қаршилик қилмоқда. Келинимизнинг бунга ҳақи борми?**

**Азамат АЛЛАБЕРГАНОВ, Жива шаҳар “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази ҳуқуқий масалаларда эксперт маслаҳатчиси:**

— Оила кодексининг 77-моддасига асосан, бобо, буви, ака-ука, опа-сингил ва бошқа яқин қариндошлар бола билан кўришиб туриш ҳуқуқига эга. Ота-она (улардан бири) яқин қарин-

дошларнинг бола билан кўришишига имкон бермас, васийлик ва ҳомийлик органи ота-онани (улардан бири) бундай имконият беришга мажбур қилиши мумкин. Агар ота-она васийлик ва ҳомийлик органининг қарорини бажармас, боланинг яқин қариндошлари ёки васийлик ва ҳомийлик органи бола билан кўришиб туришга тўсқинлик қилувчи ҳолларни бартараф қилиш

ҳақида даъво билан судга мурожаат қилишга ҳақлидир. Суд боланинг манфаатлари ва фикрини ҳисобга олган ҳолда низои ҳал қилади.

Суднинг ҳал қилув қарори бажарилмаган тақдирда, айбдор шахсга нисбатан қонунчиликда назарда тутилган чоралар қўлланилади.

Демак, сиз васийлик ва ҳомийлик органига масалани ҳал этиб беришини сўраб, мурожаат қилишингиз керак!





Таиландда ўтказилган дзюдо бўйича катталар ўр-тасидаги Осиё чемпионатида **ШАҲРАМ АҲАДОВ** олтин медалга сазовор бўлди.



Бадий гимнастика бўйича **ЖАҲОН КУБОГИ**да Ўзбекистон терма жамоаси 2 та олтин, 5 та кумуш ва 3 та бронза медалини қўлга киритди.



Тошкент вилоятидаги Чимён тоғ тизмаларида югуриш, йога, плагинг бўйича **"Sky Camp Bo'stonliq 2025" ТОҒ ФЕСТИВАЛИ** бўлиб ўтди.

**БИЗ — СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ТАРАФДОРМИЗ!**

# КЕЧКИ САЙР —

## НАФАҚАТ ДИЛДАН СУҲБАТ, БАЛКИ СОҒЛИҚҚА РАҒБАТ

**Кечки сайр нафақат очик ҳавода вақт ўтказиш усули, балки соғлом турмуш тарзининг муҳим қисмидир. Ёлғиз ўзингиз ёки яқинларингиз билан кечадиган бу мароқли дақиқалар жисмоний ва психологик ҳолатингизга ижобий таъсир кўрсатадиган кўплаб афзалликларга эга.**

**ВАЗНИ МЕЪЁРИДА САКЛАЙДИ**  
Мунтазам юриш юрак қон-томир тизимини мустаҳкамлашга, қон айланишини яхшилашга ёрдам беради. У метаболик жараёнларни фаоллаштиради, қўшимча калорияни сарфлашда катта аҳамият касб этади. Юриш катта куч талаб этадиган машқ эмас, аммо мушакларга меъёрида обирлик туширади. Шундай пайтлар бўладики, маълум муддат спорт билан шуғулланиш имконияти бўлмайди. Ушанда вазни сақлаб туриш учун кўпроқ юринг.

**ЕНГИЛЛИК БАҒИШЛАБ, РУҲИЙ ЗУРИКИШДАН ХАЛОС ЭТАДИ**  
Тоza ҳавода сайр қилиш вақтида танага кўпроқ ксилород киради, бу эса ҳордик чиқаришга ва қун давомида тулланган зуркишни бартараф этишга ёрдам беради. Шунингдек, танадаги кортизол гормонини камайтиради ва кайфиятни кўтарди. Колаверса, жисмоний фаоллик ва очик ҳавода бўлиш

умумий ҳиссий ҳолатни яхшилади. Диққатни жамлашга ва онгинглини салбий фикрлар ёки ташвишлардан халос қилишда катта аҳамият касб этади.

**УЙҚУНИ ЯХШИЛАЙДИ**  
Очик ҳавода кечки машқлар уйқуни табиий равишда тартибга солади. Жисмоний фаоллик танани чарчатишга, уни чуқур ва сифатли дам олишга тайёрлайди. Натижада тунда мириқиб дам олиш, эртанги тонгни хуш кайфиятда қаршилаш имкони туғилади.

**ОВҚАТ ХАЗМИНИ ТЕЗЛАШТИРАДИ**  
Кўпчилик кечки овқатга кучли таомлар истеъмол қилишга ўрганиб қолган. Аиникса, ош, димлама ва хамирли овқатлар хазми анча оғир. Бу муаммони бартараф этишнинг энг турри ечими — оливий айланишга чиқишдир. Пиёда юриш ва суҳбат асносида ошқозон-ичакнинг фаол ишлашига эришиш мумкин.

**СУЯКЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАЙДИ**  
Узоқ сайрлар нафақат мушакларни, балки суюк ва туқималарни ҳам мустаҳкамлайди. Шунингдек, артритнинг профилактикаси учун ҳам юриш тавсия этилади. Шифокорлар қандли диабетга чалинган беморларга жисмоний машқлардан кўра пиёда юришни тавсия қилади. Яёв юриш нафас олиш тизимига, ўпкага ижобий таъсир кўрсатади. Шундай экан, майда қадамлар билан, энгил нафас олиб, соғлиқ сари олға қадам ташлан!

**Азиза ШИРИНОВА,**  
Миробод тумани тиббиёт бирлашмаси марказий кўп тармоқли поликлиника бошлиғи.

**СОҒЛОМ ОВҚАТЛАНИШ**

## ИНФАРКТ ВА ИНСУЛЬТНИНГ ХАВФИ, БУ — ТРАНСЁҒЛАР

Тезпишар таомлар охирги вақтда ёшлар орасида жуда оммалашиб кетди. Шу боис "фаст-фуд", ярим тайёр маҳсулотлар, қовурилган картошка, колаверса, турли қандолат маҳсулотларининг бозори чаққон.

Низом ЭРМАТОВ, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

**Т**ахлилларга кўра, улар таркибида трансёғлар микдори хаддан зиёд кўп. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти таҳлилига кўра, дунё бўйлаб 5 миллиард одам ушбу ёғларнинг зарарли таъсиридан ҳимояланмаган. Бу юрак хасталиклари ва ўлим хавфини оширади. Бу маҳсулот маргарин, ўсимлик ёғлари, қовурилган таом ва пиширилган, хусусан, кракелар, печенье ва пирогларда мавжуд. Шунингдек, кавш қайтарувчи ҳайвонлар гўшти ва сүтида табиий ҳолда учрайди.

Трансёғлар — организм учун фойдали ёғларга қараганда арзонроқ ва қатор кимёвий ва физик хусусиятларга эга. Ёғлар хужайра мембрана-

лари ва бошқа биологик тузилмаларнинг ҳосил бўлиши учун "қурилиш материали" вазифасини ўтайди. Агар улар сунъий синтезланган транс шаклга эга бўлса, танада моддалар алмашинуви жараёнига салбий таъсир кўрсатади. Хусусан, танада зарарли холестерин микдорини оширади. Натижада қон айланиши ва ҳаётий муҳим органларни қон билан таъминлаш жараёни издан чиқади. Оқибатда инфаркт, инсульт ва ўпка артерияси тромбозомбияси каби турли хавфли касалликлар келиб чиқиши мумкин.

Трансёғлар яллиғланиш жараёнларини тезлаштириб, қандли диабет ва онкологик хасталиклар ривожланиш хавфини ҳам оширади. Шу сабабли Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ушбу турдаги ёғларни таъқиқлаш ёки уни кунлик энергия микдорининг 1 фоизига камайтиришни тавсия қилмоқда.

**ҲИДОЯТ ЁҒДУСИ**

Диана ХУДОЙБЕРДИЕВА, Қорақалпоғистон Республикаси:

— Қорақалпоғистонда тўйдан олдин келин ўғирлаш одати учраб туради. Айтингчи, динимизда бу ишнинг ҳукми қандай?

**КЕЛИН ОЛИБ ҚОЧИШ ҚАНЧАЛИК ЖОИЗ?**

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво маркази:

— Ислом — соғлом табиат ва юксак инсоний ахлоқ-одоб динидир. Шунинг учун унда инсонлар орасида мавжуд бўлган олижаноб инсоний қадриятлар қадрланади ва аксинча, инсонийликка зид бўлган одатлардан қайтарилади. Шунга кўра, келинни олиб қочиш каби удуллардан тезлик билан воз кечиш лозим. Чунки бундай ишлар бир томондан келиннинг яқинларини, аиникса, унинг ота-онасини ташвиш ва хавотирли аҳволга солиб қўяётган бўлса, бошқа томондан унинг катта гуноҳ эканлигини кетган, дейиш билан ҳалолга айланиб қолмайди.

Қаерда бу иш содир бўлаётган бўлса, мактаб ёшидан бошлаб, болаларга унинг зарари ва гуноҳлиги тўғрисида тушунча бериб борилиши ва уни бартараф этишда ота-оналар, имом-хатиблар ҳамда бошқа масъуллар биргаликда ҳаракат қилишлари мақсадга мувофиқ бўлади.

**СИЗ УЧУН ФОЙДАЛИ**

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, дунё бўйлаб мактаб ўқувчиларининг 60 фоиздан 90 фоизгача ва катталарнинг деярли 100 фоизи тиш қарисидан азият чекмоқда. Бу статистикани яхши томонга ўзгартириш йўлларида бири — овқатланиш одатларини ўзгартиришдир.

**ТИШЛАР САЛОМАТЛИГИДА СОҒЛОМ ОВҚАТЛАНИШ МУҲИМ!**

Ҳайдар КОМИЛОВ, тиббиёт фанлари доктори.

**К**арис ва милк касалликларидан ташқари, кўпчилик оғиздан нохуш хид келишидан шикоят қилади. Яхши гигиена ва тўғри овқатланиш бунинг олдини олади ёки буткул бартараф қилади. Бунинг учун, авваламбор, таркибида рух (цинк) бўлган маҳсулотларни истеъмол қилинг. У балиқ ва қисқичбақасимонлар, қизил гўшт, тухум, ясиқ ва ёнғоқлар (бодом ва кешью)да учрайди. Сув, чой, олма, апельсин ва йогурт ҳам ёмон ҳидга қарши яхши воситадир.

С витаминига бой маҳсулотлар милкнинг асосий таркибий қисми бўлган коллаген ишлаб чиқариш камайиб кетишининг олдини олишга ёрдам беради. Коллаген камайиши милкнинг пастга тушиб кетишидек жиддий муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. С витамини апельсин, лимон, грейпфрут, мандарин, киви, қизил булғори, қора смородина, брокколи, папайя каби маҳсулотларда бўлади.

Сут, пишлоқ ва йогурт суюқ ҳамда тишлар учун муҳим минерал бўлган кальцийнинг манбаи ҳисобланади. Масалан, пишлоқ тишларни химоя қилади, чунки уни истеъмол қилганимизда бактериялар хусусиятларга бой бўлган тупурик кўпроқ ишлаб чиқарилади. Исмаоқ, нўхат, брокколи, қарамда ҳам кальций мавжуд.

Кўк чойда катехин, антиоксидант бўлиб, у бактериялар келтириб чиқардиган милк яллиғланишининг олдини олишга ёрдам беради. Агар кўк чой сиз учун аччиқлик қилса, унга лимон ёки озгина сут қўшиб ичишингиз мумкин.